



МУҒАЛЛИМ ҲАМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЎ

Илимий-методикалық журнал

№ 6.2.1 2023



*гуманитарные науки
естественные науки
технические науки*

**1-ДЕКАБРЬ ҚАРАҚАЛПАҚ ТИЛИНЕ
МӘМЛЕКЕТЛИК СТАТУС БЕРИЛГЕН КҮН**

МУҒАЛЛИМ ҲАМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЎ



Илимий-методикалық журнал

2023

6-2-1сан

*Ўзбекистан Республикасы Министрлер Кабинети жанындагы
Жоқаргы Аттестация Комиссиясы Президиумының
25.10.2007 жыл (№138) қарары менен дизимге алынды*

*Қарақалпақстан Баспа сөз хәм хабар агентлиги тәрәпинен
2007-жылы 14-февральдан дизимге алынды.
№01-044-санлы гүўалық берилген.*

Нөкис

6-2-1сан

2023

декабрь

Шөлкемлестіріушілер:

*Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендириу Министрлиги,
ӨЗПИИИ Қарақалпақстан филиалы*

**Редактор:
А. Тилегенов**

Редколлегия ағзалары:

Мақсет АЙЫМБЕТОВ
Нағмет АЙЫМБЕТОВ
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ
Ерполат АЛЛАМБЕРГЕНОВ
Алишер АЛЛАМУРАТОВ
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ
Тўлқин АЛЛАЁРОВ
Умида БАҲАДИРОВА
Фархад БАБАШЕВ
Гулзода БОЙМУРОДОВА
Шахло БОТИРОВА
Маманазар ДЖУМАЕВ
Асқар ДЖУМАШЕВ
Алишер ЖУМАНОВ
Гўлнара ЖУМАШЕВА
Холбой ИБРАГИМОВ
Умида ИБРАГИМОВА
Меруерт ПАЗЫЛОВА
Асқарбай НИЯЗОВ
Сабит НУРЖАНОВ
Уролбой МИРСАНОВ

Нуржан МАТЧАНОВ
Сафо МАТЧОН
Шуқурилло МАРДОНОВ
Бахтиёр РАХИМОВ
Фурқат РАЖАБОВ
Арзы ПАЗЫЛОВ
Барлықбай ПРЕНОВ
Феруза САПАЕВА
Қахқор ТУРСУНОВ
Амина ТЕМИРБЕКОВА
Нурзода ТОШЕВА
Тажибай УТЕБАЕВ
Амангелди КАМАЛОВ
Ризамат ШОДИЕВ
Зафар ЧОРШАНБИЕВ
Рустам ФАЙЗУЛЛАЕВ
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ
Умид ХОДЖАМҚУЛОВ
Гулрухсор ЭРГАШЕВА
Гавхар ЭШЧАНОВА

imkoniyatlarini o'rganish zarur. Tarbiyasi qiyin o'quvchilar bilan ishlashning shakl va metodlaridan foydalanish mazkur vazifani bajarishda katta imkoniyatlarga ega. Ushbu maqola shunday turdagi muammolarni ilmiy yechimlarini taqdim etadi.

РЕЗЮМЕ

К трудным подросткам относятся учащиеся, поведение которых в общественной жизни резко отличается от общепринятых норм и препятствует воспитанию социальных прав. Необходимо поставить беспристрастный диагноз, чтобы воспитать их в общественной деятельности. В процессе обучения, прежде чем приступить к учебной деятельности, необходимо изучить состояние, особенности и возможности ученика. Большой потенциал в решении этой задачи имеет использование форм и методов работы с учащимися с трудным воспитанием. В данной статье представлены научные решения подобных проблем.

SUMMARY

Difficult teenagers include students whose behavior in public life differs sharply from generally accepted norms and interferes with the education of social rights. It is necessary to make an impartial diagnosis in order to educate them in social activities. In the learning process, before starting educational activities, it is necessary to study the condition, characteristics and capabilities of the student. The use of forms and methods of working with students with difficult upbringings has great potential in solving this problem. This article presents scientific solutions to such problems.

ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА МУСИҚА САНЪАТИ БОШҚАРУВИ

Маҳкамова Ш.Р.

Чирчиқ давлат педагогика университети “Муסיқа таълими” кафедраси мудири, доцент

Таянч сўзлар: муסיқа санъати, технология, инновацион технология, бошқарув маҳорати.

Ключевые слова: музыкальное искусство, технологии, инновационные технологии, управленческие навыки.

Keywords: music art, technology, innovative technology, management skills.

Инновацион технология тушунчаси. Ҳозирги замон бошқарув назарияси ва амалиётида бозор иқтисодиёти ва демократик жамият шароитига мос бўлган маъқул ва мақбул технологиялар мавжуд. **Технология** деганда бирор мақсадга ёки мақсадлар тизимига эришиш учун амалга ошириладиган жараёнлар ва яратувчилик фаолияти назарда тутилади. Бу тушунча илм – фанга 1872 йилдан бошлаб киритилган. Бошқарув технологияларга қуйидаги хусусиятлар хос бўлади:

- 1) бошқарувни замонавий талаблар даражасида ташкил қилиш;
- 2) бошқарувни сифатли амалга ошириш;
- 3) бошқарув жараёнида энг қулай, мақбул усуллар, воситалар ва тадбирларни қўллаш;
- 4) бошқарув асосларини янгилаб бориш эвазига самарадорликка эришиш ва ҳ.к.

Бошқарув технологиялари бошқарувнинг демократик ва либерал усулларига асосланади. Бошқарувда демократик усул қонунийлик, адолат, жамоавийлик каби қадриятларга, либерал усул эса эркинлик, ташаббускорлик, рағбатлантириш сингари қадриятларга асосланади. Айнан бошқарув технологиялари демократик ва либерал усуллар асосида яратилади, такомиллаштирилади ва амалиётга татбиқ этилади. Шу сабабли бугунги кунда бошқарув назарияси ва амалиётида технологиялар масаласига алоҳида эътибор

берилмоқда. Аслида “технология” атамаси юнонча бўлиб “маҳорат, санъат ва фан уйғунлиги” маъносини англатади, бунда **бошқарув маҳорати ва санъати тўғрисида таълимот**, деган маънони назарда тутилади. Эътибор берилса, технологияда қуйидаги уч масала мужассам бўлган:

- 1) бирор масалани билим, кўникма ва маҳорат асосида ҳал қилиш;
- 2) масалани ҳал этишда санъаткорона йўл тутиш;
- 3) буларнинг барчасида илмий тафаккурга таяниш.

Шу сабабли XX асрнинг 90 – йилларидан бошлаб бошқарувга технологияларни татбиқ этиш кенг одат тусига кирди. Натижада бошқарув самарадорлиги кучайди ва ўринсиз хатоларга йўл қўйиш камайди. Айниқса, ижтимоий соҳа бошқарувида технологияларни татбиқ этиш “портлаш эффекти”га олиб келади.

Бошқарув технологиясининг уч тури мавжуд:

- 1) ахборотли;
- 2) ускунали;
- 3) ижтимоий.

Ахборотли технологияда моддий ва маънавий ишлаб чиқаришда маълумотлар мажмуасига таяниш, **ускунали технологияда** бошқарувга замонавий техник воситаларни татбиқ этиш ва **ижтимоий технологияда** бошқарув ходимлари фаолиятини талаб даражасида ташкил қилиш назарда тутилади. Мазкур технологиялар турлари бўйича мустақиллик йилларида мамлакатимизда илмий, назарий ва амалий ишланмалар яратилди. Бироқ, уларни амалиётга татбиқ этиш мураккаб кечаётганлигини қайд этиш жоиз.

Муסיқа санъати бошқарувининг самарадорлигига эришишда **инновацион** бошқарув технологияси муҳим ўрин тутди. “Инновация” тушунчаси лотинча бўлиб “киритилган янгилик, ихтиро” маъноларини англатади ва инновацион технология бошқарувда энг сўнгги янгиликларни татбиқ этишга асосланади.

Инновацион технология XX асрнинг 90 – йилларда амалиётга кенг татбиқ этила бошлади. Бу технология илм – фан ва амалиёт уйғунлигининг ҳосиласидир. Бошқарувга инновацион технологияни татбиқ этиш бугунги кунда кенг одат тусига кирди.

Муסיқа санъати бошқарувида инновацион технология. Муסיқа санъати бошқаруви инновацион технологияси ўзига хос бошқарув асоси бўлиб, унга қуйидаги хусусиятлар хос:

- 1) муסיқа санъати бошқарувини мутлақо янги ғоялар, шакллар ва тузилмалар асосида ташкил қилиш;
- 2) соҳа бошқаруви усуллари, воситалари ва механизмларини мудом янгилаб бориш;
- 3) соҳа бошқарувида янгиликларни таърифлашчи бошқарув кадрларини жалб қилиш;
- 4) соҳа бошқарувида янгиликларни татбиқ этиб боришни устувор билиш.

Бу тўрт омил муҳим аҳамиятга эга. Чунки муסיқа санъати бошқарувида янги ғоялар, шакллар ва тузилмаларга асосланиш муסיқа санъатининг хусусиятлари билан белгиланади. Бошқарув усуллари ва воситаларининг янгилаб бориши мудом изчилликни, янгиликларни таърифлашчи кадрларни жалб қилиш бошқарув сифатини ошириш ва соҳа бошқарувида янгиликларни татбиқ этиб бориш эса мутлақо янги асосларга таянишни билдиради. Негаки бошқа санъат турларидан фарқли ўлароқ муסיқа санъатига уч хусусият хос:

- а) эркинлик;
- б) ижодкорлик;
- в) масъулият.

Муסיқа санъати бошқарувида инновацион технологияни татбиқ этиш. Муסיқа санъати бошқарувида инновацион технология соҳада эркин руҳни қарор топтириш, ижодкорликни кучайтириш ва масъулиятликни ошириш имконини беради. Негаки инновацион технология қуйидаги хусусиятлар хос:

- 1) бошқарув ҳужжатларини янги маълумотлар ва янгиликлар асосида ишлаб чиқиш;
- 2) бошқарув ҳужжатларини ишлаб чиқишга кўпчиликни жалб қилиш;
- 3) бошқарувга экспертлар гуруҳини тортиш;

4) бошқарув фаолиятини аудит текширув воситасида мудом мониторинг қилиб бориш ва ҳ.к.

Мисол учун “Муסיқа санъатини ривожлантириш Дастури”ни ишлаб чиқиш жараёнини олайлик. Мазкур масаланинг инновацион технологияси қуйидагича бўлади:

а) муסיқа санъати соҳасининг профессионал жиҳатдан етук илмий ва амалиётчи кадрларидан Ишчи гуруҳ тузилади;

б) муסיқа санъатининг ҳозирги ҳолати ёзма равишда таҳлил қилинади ва мавжуд ҳолат тўғрисида хулосага келинади;

в) муסיқа санъатини ривожлантиришга оид янги маълумотлар, йўналишлар ва ёндошувлар йиғилади, энг мақбуллари сараланади;

г) муסיқа санъатини ривожлантириш мақсади, вазифалари, усуллари ва йўналишлари ёзма баён қилиб чиқилади;

д) Дастурнинг дастлабки варианты тайёр бўлгач у кўриб чиқилиши учун: 1) бошқарув аъзоларига; 2) соҳа мутахассисларига; 3) холис экспертларга тақдим қилинади;

е) билдирилган фикр ва хулосалар асосида Дастур яна бир бор такомиллаштирилади;

ё) Дастур бошқарув хайъати аъзолари тмонидан қабул қилинади ва раҳбар буйруғи билан тасдиқланиб, ижро учун тақдим қилинади.

Эътибор берилса, бир ҳужжатни ишлаб чиқиш ошқора ва кўпчиликнинг иштироки асосида амалга оширилади. Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда жамиятимиз “Муסיқа санъатини ривожлантириш Дастури”га эга эмас. Аммо, бу борада тажрибалар мавжуд. Мисол учун, “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш дастури”, “Маънавият тарғиботи дастури”, “Миллий ғоя тарғиботи дастури” кабилар шулар жумласидандир. Шу маънода Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури доирасида “Муסיқа санъатини ривожлантириш Дастури”ни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш долзарб бўлиб турибди. Бизнинг фикримизча, мазкур Дастурда қуйидаги масалалар ўз ифодасини топиши керак:

- муסיқа таълимини ривожлантириш асослари;
- муסיқа таълимига қўйиладиган давлат талаблари;
- муסיқа соҳасининг барча турлари бўйича кадрлар тайёрлаш;
- муסיқа санъатини янада ривожлантириш асослари ва йўналишлари;
- муסיқа санъатининг миллий ва умумжаҳон тажрибаларини ўрганиш вазифалари;
- муסיқа санъати бошқаруви тизими;
- муסיқа санъати бошқаруви кадрларини тайёрлаш асослари;
- муסיқа санъатини ривожлантириш мониторинги механизмлари.

Шу маънода муסיқа санъати бошқарувининг инновацион технологиясида **бошқарув кадрларига** нисбатан қатъий талаблар қўйилади. Аввало таъкидлаш лозимки, бугунги кунда муסיқа санъати бошқаруви кадрлари танқислиги мавжуд. Чунки ҳозирги таълим тизимида муסיқа санъати бошқаруви кадрларини тайёрлаш назарда тутилмаган. Шу сабабли мазкур соҳа бошқаруви мураккаб ҳолатда турибди. Бироқ, мавжуд имкониятлардан фойдаланиб муסיқа санъати бошқаруви кадрлари тайёрлаб борилиши керак. Шу жиҳатдан муסיқа санъати бошқаруви инновацион технологиясида бошқарув кадрларига қуйидаги асосий талаблар қўйилади:

- 1) муסיқа соҳасини профессионал даражада билиш;
- 2) бошқарувга оид билим, кўникма ва малакага эга бўлиш;
- 3) бошқарувга илмий асосда ёндашиш лаёқатига эга бўлиш;
- 4) ўзи устида мунтазам ишлаб боиш ва ҳ.к.

Яқин вақтларгача бошқарув назарияси ва амалиётида муайян соҳа бўйича мутахассис шахсларни шу соҳа бошқарувига жалб қилиш тажрибаси мавжуд эди. Бошқарувнинг инновацион технологияси идрок этилгач, соҳаларга номутахассис кадрларни жалб қилиш анъанаси ҳам таркиб топди. Чунки, бунда кадрларнинг бошқарувдаги лаёқатлиги, билими ва тажрибаси назарда тутилади. Албатта, муайян соҳаларда бу ёндашув ўзини оқлаётгани ҳам бор гап. Бироқ, бизнинг ёндашишимизга кўра,

муסיқа санъати бошқарувига муסיқа соҳаси бўйича мутахассис кадрларни жалб қилиш самарали ҳисобланади. Негаки муסיқа санъати соҳаси нозик бўлиб, унда ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Муסיқа таълимини олмаган шахснинг соҳа бошқарувида самарадорликка эришиши шубҳа остида қолади.

Зеро, муסיқа санъати бошқаруви инновацион технологияси демократик кадриятларга асосланиши билан аҳамиятга эга. Бунинг учун инновацион дастурий дидактик мажмуаларни яратиб боришга эътибор бериш керак бўлади. Унга кўра, муסיқа санъати бошқарувига оид янги усуллар, воситалар ва материаллар изчил равишда шакллантирилиб, амалиётга татбиқ этиб борилади. Бунда бошқарув жараёни дастурий ва технологиялар билан таъминланади. Афсуски, ҳозирги бошқарув жараёни ва фаолиятига татбиқ этиш мумкин бўлган дастурий дидактик мажмуалар кам яратилмоқда. Чунки бошқарув бўйича илмий кадрлар танқислиги мавжуд. Ваҳоланки, бундай ишланмалар бошқарув самарадорлигини оширувчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Шу сабабли бунда анъанавий бошқарув жараёни инновацион жараёни билан қиёсланиб, олинган натижалар баҳоланади, муҳим ҳулосаларга келинади.

Муסיқа санъати бошқаруви инновацион технологиясида **инновацион салоҳият** муҳим аҳамиятга эга. Инновацион салоҳият қуйидагиларни қамраб олади:

- 1) муסיқа санъати бошқарувини фақат янгиликлар асосида амалга ошириш;
- 2) соҳа бошқарувини модернизациялаб бориш;
- 3) соҳа бошқарувига илм – фанда ва муסיқа санъатида амалга оширилган ихтироларни татбиқ қилиш;
- 4) анъанавий бошқарув усуллари мазмунан ва шаклан янгилаб туриш;
- 5) бошқарув тизимини бутунлай янгилаш.

Инновацион салоҳиятнинг таркиб топиши бошқарув кадрларининг савиясига боғлиқ бўлади. Аслида **салоҳият** – истеъдоднинг бир тури бўлиб, инсон ўзини муайян тарзда унга келадиган илҳомни қабул қилишга тайёрлагандан сўнг юз берадиган сифатдир. Шу маънода салоҳият шахс ва жамиятнинг ички имкониятлари ҳамда ҳали тўла намоён бўлмаган куч – қувватини ифодалайди. Агар, бошқарув кадрларининг 50 фоизи илмли, малакали ва маҳоратли бўлса инновацион салоҳият юқори бўлади. Эллик фоиз даражасини ҳисобга олиш шахс имкониятига боғлиқдир. Бу инсон салоҳияти халқаро индексида (кўрсаткичида) ҳам ўз ифодасини топган. Бунга эришиш учун бошқарув раҳбари (етакчиси) профессионал билимга эга бўлиши, изланувчанлик ва ижодкорлик хусусиятларига эга бўлиши лозим.

Муסיқа санъати бошқаруви раҳбари тизимда ва жамоада юксак даражадаги инновацион салоҳиятни таркиб топтиради. Барча замонларда кузатилганидек, ҳозирги замон бошқарув назарияси ва амалиётида ташкилот раҳбари фаолиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу табиий ҳол, чунки раҳбар фаолиятига асосан бошқарув самарадорлиги ва соҳа ривожланиши рўй беради. Инновацион салоҳият муסיқа санъати бошқарувида:

- 1) турғунликка барҳам беради;
- 2) авторитар ва тоталитар усулларда қарорлар қабул қилишга изн бермайди;
- 3) тизим ва жамоада уюшувчанликни юзага келтиради;
- 4) бошқарув самарадорлигига асос яратади.

Инновацион салоҳият муסיқа санъати бошқаруви учун битмас – туганмас манба ҳисобланади. Шундай қилиб инновацион технология замонавийлиги, қулайлиги ва кутилган самарадорликка олиб келиши билан бошқарув технологиялари ичида нисбатан аҳамиятга эга. Албатта, бундай технологияга эга бўлиш фақат изланиш ва ижодийликка боғлиқ бўлади.

Адабиётлар

1. Elektron manba: Ya.Shodiyeva, G.Qodirova. "Maktablarda ijodiy-madaniy muhit takomillashi". <http://uchildiz.uz/%>, -2021
2. B.Qodirov, O.Yakupova. Sh. "Ijodiy-madaniy masalalar bo'yicha targ'ibotchilar uchun metodik qo'llanma". –T.:, 1921.

3. Нишонова З.Т. Ижодий мустақил фикрни тарбиялашда ўқитувчининг ролини янада ошириш // Таълим ва тарбия, 2001. – № – 1-2.
4. Mahkamova Sh.R. Maktabgacha ta'lim muassasalarida bolalarni musiqiy tarbiyalash va ta'lim berish. Scientific progress, 2021. Special Issue 5, pp.224-228
5. Mahkamova Sh.R. Таълим жараёнида ўқувчи ва талабалар билимини баҳолаш усуллари ва методикаси. Экономика и социум 2021. 1-11 №11(90) 2021

REZYUME

Ўзбекистонда барча соҳалар қаторида мусиқа санъатини ривожлантириш ва уни демократик жамият шароитига мос тарзда бошқариш амалга оширилмоқда. Биз бу ўринда мусиқа санъатининг инновацион бошқарув технологияси тўғрисида сўз юритамиз.

РЕЗЮМЕ

В Узбекистане развитие музыкального искусства и управление им в соответствии с условиями демократического общества осуществляется по всем направлениям. Здесь речь идет об инновационных технологиях управления музыкальным искусством.

SUMMARY

In Uzbekistan, the development of the art of music and its management in accordance with the conditions of a democratic society are being carried out among all fields. Here we are talking about the innovative management technology of music art.

UMUMTA'LIM MAKTABLARI O'QUVCHILARIDA TA'LIMIY-TARBIYAVIY IMMUNITETNI SHAKLLANTIRISH YO'LLARI.

Xo'jamqulov P.
Chirchiq davlat pedagogika universiteti katta o'qituvchisi
Musayev N.
Chirchiq davlat pedagogika universiteti katta o'qituvchisi
Muminova D. I.
Chirchiq davlat pedagogika universiteti 2-kurs talabasi

Tayanch so'zlar: Ta'lim-tarbiya, immunitet, yosh avlod, pedagogika, fikr- g'oya.

Ключевые слова: образование, иммунитет, молодое поколение, педагогика, мысль и идея.

Key words: education, immunity, young generation, pedagogy, thought and idea.

Juda tez o'zgarayotgan hozirgi zamonda ma'rifat sohasida nafaqat ta'lim-tarbiya balkim har bir sohada yangicha qarashlar, yangicha yondashuvlar paydo bo'lmoqda. Globallashuv davri deb qaralayotgan bugungi kunda milliy va umumbashariy madaniy estetik qadryatlar insoniyat hayotida har qachongidan ham muhim ahamiyat kasb etmoqda. Hozirgi globallashuv sharoitida o'zlarining g'arazli niyatlarini amalga oshirishga intilayotgan, o'zlarining bunday jirkanch muddolariga ommaviy madaniyatni targ'ib qilish orqali erishishga intilayotgan qora kuchlar mavjudki, ular ijtimoiy ongi shakllanib ulgurmagan, hayotiy tajribalari yetarli bo'lmagan yosh avlodga ta'sir etishning turli vositalari, usullaridan foydalanishga harakat qilmoqdalar.

Bu xususida birinchi prezidentimiz "yuksak ma'naviyat-yengilmas kuch" asarlarida shunday yozgan edilar: "... "ommaviy madaniyat" degan niqob ostida axloqiy buzuvchilik va zo'ravonlik, individualizm, egosentizm g'oyalarini tarqatish, kerak bo'lsa, shuning orqasidan boylik ortirish, boshqa xalqlarning necha ming yillik an'ana va qadryatlari, turmush tarzining ma'naviy negizlariga bepisandlik, ularni qo'porishga qaratilgan xatarli tahdidlar odamni tashvishga solmay qo'ymaydi". Shunday ekan oilada, ta'lim muassasalarida ma'naviy-ma'rifiy ishlar samaradorligini oshirish, bolalar va o'quvchi-yoshlar bilan ishlash shakl-tamoyillarini rivojlantirish, ta'lim-tarbiya ishlari jarayoniga ilg'or pedagogik texnologiyalarni keng tadbiiq etish bugungi kundagi dolzarb vazifalar sarasiga kiradi. Pedagogik amalyotni bola tabiatiga muvofiqlashtirish zarurligi, aks holda bola shaxsiyatini sindirib qo'yish mumkinligi aytilmoqda.